270598

ТАШРИФ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТМОҚДА

МОСКВА, 6 май. Бугун Кремлнинг муҳташам қабуллар саройида Россия Президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашуви бўлиб ўтди. Иккала давлат Президентларининг суҳбатидан сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом этди. Шу ернинг ўзида икки давлат бошлиқлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин қўшма баёнотни имзоладилар.

ИЛ-76 самолётларини ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш, шунингдек, ИЛ-76 ва ИЛ-78 самолётларини эксплуатация ва модернизация қилинишини таъминлаш ҳамда модификациялаш соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида битим имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида маданият ахборот марказларини таъсис қилиш ва уларнинг фаолият шароитлари ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Россия Федерациясидаги мақоми ва Россия Федерацияси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Ўзбекистон Республикасидаги мақоми ҳақида битим имзоланди.

Мазкур битимларни Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Россия томонидан ҳукумат раиси ўринбосари О. Сисуев имзоладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси С. Кириенко билан учрашди. Шунингдек, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясига ташриф буюриб, академия раҳбарлари ва илмфан намояндалари вакиллари билан суҳбатлашди.

А. ЗИЁКОР.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон-Россия

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи кечаги куни муҳим воқеаларга бой бўлди. Икки давлат бошлиқлари яккама-якка суҳбат жараёнида ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришга келишиб олдилар. Кремлнинг муҳташам саройида Президентлар мулоқотидан кейин ҳукумат аъзолари иштирокида давом эттирилган музокараларда ҳам икки томонлама ҳамкорликка оид муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Борис Ельцин: «Биз барча масалалар бўйича келишиб олдик. Энди бу келишувларни изчил амалга ошириш керак» — деб таъкидлади. Москва учрашувида Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари яна бир муҳим аҳамиятга молик қарорга келишганини баён қилишди. Унга кўра минтақада, хусусан Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон-Россия-Тожикистон учлар ҳамкорлиги барпо этиладиган бўлди.

Россия «НТВ» телеканалининг хабар қилишича, бу ҳамкорлик ҳақида Президентлар учрашув жараёнида Тожикистон Президенти И. Раҳмонов билан телефонда гаплашиб, ўзаро келишиб олишган. Томонларнинг келишувига мувофиқ, Тожикистоннинг иқтисодиётини кўтариш, бу ерда тинчликни сақлаш ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, миллий тотувлик ўрнатиш, ислом фундаментализми ва диний экстремизмга қарши курашиш масалаларида Ўзбекистон ва Россия Тожикистон билан биргаликда ҳаракат қилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия давлат бошлиқларининг расмий учрашувида икки мамлакат ўртасида кейинги ўн йилга мўлжалланган стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш масаласи ҳам келишиб олинди. Кенг кўламли бу иқтисодий ҳамкорлик шартномасини шу йилнинг октябрь ойи биринчи ярмида Тошкентда имзолаш мўлжалланмоқда. Айни шу муддатга Россия Президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистонга расмий ташриф билан келиши Москвадаги учрашувда Президентлар томонидан келишиб олинган.

Аслиддин БОЛИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 7 май, пайшанба • № 54 (22.291).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейида Олий Мажлис XI сессияси якунлари ва Президентимиз Ислом Каримов нутқида баён этилган хулоса ҳамда кўрсатмалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, қўмиталар, идоралар, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик вакиллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев нутқ сўзлади.

Олий Мажлис ўн биринчи сессияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлгани йиғилишда алоҳида таъкидланди. Унда қабул қилинган ҳужжатлар, мамлакатимиз, айниқса қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга хизмат қилишига эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг нутқида мамлакатимизда таркиб топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, аҳолини, айниқса ёшларни юксак маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш масалаларига муҳим ўрин берилди. Бу борада жуда катта ишлар олиб борилаётганига қарамай, айрим жойларда нохуш воқеалар содир этилаётгани кузатиляпти. Бу эса маънавий-маърифий тарбия билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, миллий мафкурамизни шакллантириш, маънавиятимизни янада юксалтириш, уни умумбашарий тамойиллар билан уйғунлантиришни тақозо этади. Йиғилишда барча зиёлилар — маънавият ва маърифат, илм-фан, адабиёт, санъат, маданият арбоблари олдида бу борада турган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ҲУР ВАТАННИНГ ҲУР ҚИЗИ

Абдулғани ЖУМА олган сурат

Бу дунёнинг ишлари

ТАСИС ДАСТУРИ АМАЛДА

Кеча Европа комиссияси Европа иттифоқига кирувчи давлатлар марказий ва шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларидаги компанияларга мурожаат эълон қилди. Ушбу мурожаатга кўра, Европа иттифоқи — ТАСИС дастури доирасида 1998-99 йилларда Грузия ва Ўзбекистонга техник жиҳатдан ёрдам бериш таклиф этилган эди. Европа комиссиясининг ахборотига кўра ТАСИС жамиятни ривожлантириш, сиёсий эркинлик ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши учун ёрдам берадиган дастурдир. Европа комиссияси Грузия республикасига 9,2 миллион ЭКЮ, Ўзбекистонга эса 22,7 миллион ЭКЮ маблағ ажратиш масаласини кўриб чиқишга тайёр. Ушбу маблағлар транспорт соҳаси, телекоммуникация, энергетика, инсон омили, корхоналарни таъмирлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда қурилишга сарфланади.

ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ МУҚАРРАР

Тожикистондаги тинчлик жараёни муқаррар, ҳозирги пайтда уни ҳеч ким тўхтатиб қололмайди. Бу ҳақда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов халқаро валюта жамғармаси вакили Жон Олдинг Сми билан учрашувда айтди. Тожикистон раҳбарининг матбуот котиби Саидов бу ҳақда хабар берди. Жамғарма томонидан Тожикистонга 3 йиллик дастур асосида 120 миллион доллар маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Эрон Ислом Республикаси Тожикистондаги тинчлик музокараларида ижобий натижаларга эришиш учун Россия Федерацияси билан ҳамкорлик қилишга тайёр, деди Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харразий. Айниқса, тожикларо тинчлик шартномаларига эришишда Эрон кафил бўлишни мўлжаллаб турибди.

ҲИНДИСТОНГА КИМ ХАВФ СОЛЯПТИ?

Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес Ҳиндистонга асосан Хитой хавф солиши мумкин, деб юборди. У ўз нутқида Хитой Ҳиндистон чегаралари ёнига ядро қуролларини тўплаб қўйганлигини рўкач қилди. Хитой эса Ҳиндистон мудофаа вазирининг ушбу гапларига кескин рад жавобини берди. Жорж Фернандеснинг гапларига Ҳиндистон парламентидагилар танқидий фикрлар билдиришди. Хитой армияси бош штаби бошлиғи Фу Цюаньюнинг Деҳлига ташрифидан сўнг Фернандес тўсатдан Хитой хавфи ҳақида гапирди. Айни пайтда Хитой билан Ҳиндистон Тибет ҳудудидаги айрим ерларга эркинлик бериш ҳақида музокаралар олиб боришаяпти.

НАТОНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҲАР ҚАНДАЙ ТАКЛИФ СИЁСИЙ ЧАЙҚОВЧИЛИКДИР

Таллинда меҳмон бўлиб турган АҚШ мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Фредерик Смит матбуот анжуманида шундай деди. У кеча Эстонияга қилган 2 кунлик ташрифини якунлади. Смитнинг фикрича НАТОни кенгайтириш қачон амалга ошишини билмай туриб, сиёсий чайқовчилик қилишга вақт сарфлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳозирча шуни айтиш мумкинки, Польша, Чехия ва Венгрия НАТОга аъзо бўлиши ҳақида қарор қабул қилинган. Шу билан бирга НАТОнинг эшиги бошқалар учун ҳам очиқ.

ШАРТНОМА ВА НИЗО

Исловот ва масъулият

Ўтган 1997 йилда корхоналар ўртасидаги шартнома бузилганлиги ёки қисман бузилганлиги юзасидан республикамиздаги хўжалик судларига 6227 та даъво аризаси тушган. Унда 10.613.232 минг сўм, валюта ҳисоби билан яна 1.341.011 АҚШ доллари даъво қилинган. Суд эса 6.301.564 минг сўм ҳамда 1.073.322 доллар ундириб берган.

Хўжалик судлари томонидан прократурага оширилган материаллар асосида 227 нафар мансабдор шахс уқувсизлиги, масъулиятсизлиги натижасида қайсидир томонга зарар етказганлиги учун моддий жавобгарликка тортилиб, улардан 634038 сўм ундириб олинди.

Бозор иқтисоди жуда кўпчилигимиз учун янги ходиса бўлганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам у ҳаётимизга қанчалик чуқурроқ кириб боргани сари олдимизда янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Шуларни кўриб туриб беихтиёр шукр қиласан киши, яхшиямки республикамиз бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган. Билмадик, агар шошқалоқлик қилинганда, баъзи республикалар сингари кескин бурилиш йўли танланганда аҳволимиз нима кечарди? Ахир бизнинг халқимиз Чор истибдодидан бошлаб фақат пахтага боғланиб қолган эди. Халқнинг асосий қисми буюртма бажариш билангина банд бўлиб, бошқа нарса билан заррача қизиқмайдиган, ҳатто ўзининг эртасига ҳам бепарво оломонга айланди. Чунки чоризмнинг ҳам, шўро империясининг ҳам мақсади шу эди. Шу мақсад йўлида улар «жон куйдириб» иш олиб бордилар. Миллатни уйғотишга, унга ўз ҳуқуқини кўрсатишга уринган зиёлилар битта-битталаб эмас, гуруҳ-гуруҳ қилиб йўқотиб турилди. Оқибати эса, мана, бугун бўй кўрсатяпти. Мустақилликдан бери 7 йилга яқин вақт ўтаётган бўлса-да, ўз ҳуқуқини билмаслик, бажараётган ишининг туб негизини тўғри англамаслик сарқит сифатида давом этиб тараққиётга тўғаноқ бўлаётир. Мисол эса, хоҳлаган томонга қараманг, топилади. Масалан, бугунги кун иқтисоди учун энг оғриқли гап, катта-кичик корхоналарда дебитор ва кредитор қарзларнинг кўпайиб кетганига сабаб нима деб ўйлайсиз?

Албатта, ўша уқувсизлик, моҳиятни тўғри англамаслик, ўз аҳволини тўғри баҳолай билмаслик ва узоқни кўра олмаслик каби қусурлар. Бугун корхонага бориб, нега иш юришмаяпти, десангиз кредитор қарзларини узолмаётганидан нолишади. Қарзни узолмасликка эса дебитор қарзларни ундириб ололмаётгани сабаб ва ҳоказо. Чилвир бир-бирига шу даражада уланиб кетадики, калаванинг учини топиш у ёқда турсин, уларнинг орасидан йўл топаман деб ўзингизни ҳам йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас.

Нега бунақа аҳвол юзага келди? Ахир қонунлардан нега фойдаланмаймиз? Нега ҳар бир корхона ҳақ-ҳуқуқи учун қайғурмайди? Ўртадаги шартномалар-чи? Нима учун улар низоларни ечишда ҳал қилувчи роль ўйнамаяпти?

Дарвоқе, шартнома хусусида. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, шартнома бозор иқтисоди шароитида барча мулк шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Яъни, икки корхона ёки тадбиркор бир-бири билан олди-берди қилишни режалаштирар экан, улар ўзаро шартнома тузиб олишлари, бу шартномада эса барча икир-чикирлар, келажакда юзага келиши мумкин бўлган барча муаммолар ҳақида батафсил келишиб олишлари лозим. Токи эртага қайсидир бир томоннинг айби билан иккинчи томон зарар кўриб қолмасин.

Афсуски, бугун ҳуқуқий нормалару қонун-қоидалардан бехабар кўпгина раҳбарлар шунчаки тузилган шартномалар билан иш бошлаб қўйиб ўз корхонасининг мавжуд имкониятлардан фойдалана олмай қолишига, ҳатто катта-катта зарар кўришига сабабчи бўлмоқда.

Агарки қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни — бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак.

* * *

Ҳамма ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Фидойи экансизлар, раҳбар деганни мен фақат фидойи деб биламан, халқ ичига борингилар, унинг оғирини енгил қилинглар.

(Президент Ислом КАРИМОВнинг Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқидан)

Ёки келишув нега келишмовчиликка айланмоқда?

Бир мисол: Қарши туманидаги «Зиё» хусусий фирмаси ва «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси ўртасида 5000 тонна техник туз етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. Унга кўра хусусий биржа 6 ой давомида тузни етказиб бериш мажбуриятини олган, бошқарма эса тузнинг ҳар 50 тоннасига белгиланган нархда пул ўтказиб бориши лозим бўлган. Лекин етказиб берилган 918 тонна (4865400 сўмлик) туз учун бошқарма 2000000 сўм (вексел билан) тўлаган ва 1996 йилнинг 17 декабрь ҳолатига 2865400 сўм қарздор бўлиб қолган.

Шартномада эса пул вақтида тўланмаган тақдирда ҳар бир кун учун ўша пулнинг 2 фоизи миқдорида жарима қўллаш кўрсатилган. Демак, «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси мавжуд қарз учун ҳар куни 57 308 сўмдан жаримага тушиши керак.

Хусусий фирма ана шуни назарда тутиб судга мурожаат қилган ва 1309196 сўм асосий қарз (қисман тўланган қарзни ҳисобга олиб) ҳамда 7852872 сўм жаримани ундириб беришни сўраган.

Аммо... суд ушбу ишни кўриб чиққанда шу нарса маълум бўлдики, шартномада туз учун пул тўлаш тартиби ва муддатлари кўрсатилмаган. Бу эса тўловни вақтида амалга оширмаганлик учун хусусий фирма томонидан бошқармага жарима қўллаш ҳуқуқини бермайди.

Кўриб турганингиздек, бир қарашда шартнома жуда тўлақонли ва икки томон манфаатларини баббаравар ҳимоя қиладигандек. Жарима фоизлари белгиланиб эртанги келишмовчиликларнинг олди олинган гўё. Бироқ, унинг замири бўш эканлигини вақт исботлади.

Ушбу мисолимизда хусусий фирма уқувсизлик туфайли жабрланиб қолди. Кўзлаган режаларига путур етди. Бу ҳам бошқалар учун ўрнак бўлиши керак.

Демак, фақат масъулиятни ҳалол адо этишнинг ўзи эртанги кун учун кафолат эмас. Шерикни ҳам ана шундай ишлашга мажбур қила оладиган ҳуқуқий ҳужжат яратиш, яъни тўлақонли шартнома тузишга эришишгина кутилажак зарарлардан ҳимоя бўлиши мумкин.

Хўжалик судларида кўрилган ишлардан маълум бўладики, тузилган шартномага беписандлик билан ёндошиш, унинг оқибатини ҳис қилмаслик ҳоллари ҳам етарлича. Оқибатда ўша корхона миллион-миллион зарар кўради. Баъзан ҳатто тугатилишгача бориб етади. Ўтган йилнинг ўзида 6301564 минг сўм ҳамда 1073322 АҚШ доллари даъвогарларга суд томонидан ундириб берилганиёқ буни кўрсатиб турибди.

Маълум бўладики, биргаликда ишламоқчи бўлган корхоналар аввало шартнома тузиш жараёнида, у кучга киргандан кейин эса шартларни бажариш пайтида ўта эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши, етти ўлчаб бир кесмоги зарур.

Шартнома тузишдаги ёки уни бажаришдаги хато туфайли корхона зарар кўрди ҳам дейлик. Агар у хусусий корхона бўлса-ку хўп-хўп, ўзи пиширган ошни ўзи ичаверади. Аммо, шартномага имзо чеккан раҳбар давлат корхоналари ёки акционерлик жамияти каби умумнинг, жамоанинг манфаатларига зарар етказиб қўйса-чи? Бунда у шахсан айбдор бўладими, йўқми?

Ўтган йили хўжалик судлари томонидан бир нечта материал прократурага оширилган. Натижада 227 мансабдор шахс моддий жавобгарликка тортилиб 634038 сўм жарима ундириб олинган. Масъулият ва уқув етишмасдан корхонага зарар етказганлари учун ўз ёнларидан жарима тўлашга мажбур бўлганлар. Бу мисолда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарни эртага нима кутиши янаям ёрқинроқ намоён бўлади.

Буларнинг бари йиғилиб битта хулосани келтириб чиқаради. Раҳбар фақат буйруқ берувчи эмас, балки елкасига катта масъулият юклатилган жавобгар шахс. У қўл остидаги корхонанинг, ҳар бир ишчию ходимнинг эртаси учун жавоб бериши лозим. Бунинг учун эса жуда кў-ўп нарсалар, шунингдек, чуқур ҳуқуқий билим ҳам талаб қилинади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бозор иқтисоди — бу рақобат. У ҳечам рақибни аямайди. Ким эпчилроқ, уддабуронроқ, ақллироқ, ҳатто айёрроқ бўлса ўша ғолиб. Биз бир вақтлар фақат киноларда кўрардик, айёрона тайёрланган оддий бир ҳужжат билан рақиб корхонани синдириб юбориш ҳолларини. Энди ўша маглуб қаҳрамонга айланиб қолиш хавфи ҳаммамизда мавжуд. Фақат ҳар бир ҳукумат ҳужжатларидан, қонун-қоидадан бохабар бўлиб боришгина бизни ҳимоя қилиб қолиши мумкин.

Айтайлик, корхонангиз ўрнашган жой учун ижара пули тўлашингиз ҳақида жой эгасидан шартнома тавсия қилинди. Нарх эса жуда қиммат, корхонангизни хонавайрон қилиши мумкин. Аммо, сиз уни эътиборсизлик билан тортмага ташлаб қўйдингиз. Белгиланган муддатда эътирозни маълум қилмасангиз шартнома ўз-ўзидан кучга киришидан бехабарсиз. Оқибатда эса ўша вақт ўтиб кетади ва ... шартнома шартларини бажара олмасдан корхонангиз қарзга ботиб қолади. Ким айбдор?

Бу гаплар бекорга эмас. Мақсад сизни огоҳлантириш. Ундан қандай хулоса чиқариш эса яна ўзингизга ҳавола.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

И. КАРИМОВ:

Сирдарё вилояти мамлакат халқ хўжалигида катта ўрин тутади. Бу воҳа улкан ишлаб чиқариш имкониятларига, бой деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг улкан тажрибасига эга.

СИРДАРЁ ЖОЗИБАСИ

Сирдарё — шунқорлар, шижоаткорлар ва бунёдкорлар юрти. У эркин ва озод юртимизнинг қайноқ ва жозибали бир гўшаси сифатида улғаймоқда, келажак сари интилмоқда...

Сирдарё деганда биз биринчи галда қўриқ ва бўз ерларни забт этган, қақроқ даштни обод, боғу-бўстонга айлантирган юртимиз фидоийларини кўз олдимизга келтирамиз. Сирдарё воҳасида ер, техника, деҳқончилик қадри янада юқори кўтарилди. Янгиликка интилиш нақадар муҳимлиги яна бир бор амалий ишларда намоён бўлди. Бошқача айтганда, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш жараёнида деҳқончилик маданияти ва деҳқончилик саноати ўзининг янги, замонавий сифатларини топмоқда.

Сирдарё қўриғини очишда Ғанишер Юнусов, Турсунбой Латипов, Собиржон Сиддиқов, Лолахон Эрбўтаева, Тўхтахон Қирғизбоева, Абдусамат Саитмуродов каби чўл шунқорларининг улкан хизматлари сингган.

Айни пайтда Сирдарё улкан қурилишлар, йирик сув иншоотлари ҳамда нурчилар маскани ҳамдир. Дўстлик, Жанубий Мирзачўл каналлари, юзлаб чақиримларга чўзилиб кетган бетон қопламли анҳорлар ва лотоклар, ва ниҳоят гигант нурхона — Сирдарё ГРЭСи шулар жумласидандир.

Юртимиз истиқлоли барча жойлардаги каби қўриқ воҳа учун ҳам янги, улкан имкониятлар учун йўл очиб берди. Озод ва эркин Ватаннинг бир жозибали гўшаси сифатида у жаҳонга юз очди.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ республикамизда биринчилардан бўлиб қўриқдаги Оқолтин тумани маркази Сардоба қўрғонида «Коррера» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлаганди. Бу истиқлол берган эркинлик ҳамда мустақилликнинг дастлабки қалдирғочларидан эди. Бундан атиги 2-3 ой муқаддам эса вилоят пойтахти Гулистон шаҳрида «Лечива» Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Истиқлолимизнинг етти йиллик даври мобайнида вилоятда барпо этилган бундай қўшма корхоналар сони 29 тага етди. Ҳамкорлик қилаётган давлатлар орасида Австрия, Италия, Чехия, Туркия, Германия, Эрон, Хитой, Швейцария, Франция каби мамлакатлар, шунингдек Россия, Белорусь, Украина, Қозоғистон сингари қатор ҳамдўстлик давлатлари бор. Энг муҳими — бу каби ўзаро фойдали ва манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Мазкур қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар вилоят ички бозорини бойитиш, аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиш билан бир қаторда жаҳон бозорларида ўзига хос ўрин изламоқда.

1996 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ва унда Президентимизнинг сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқи вилоят аҳлининг узоқ вақт ёдидан чиқмаса керак.

1



Чунки, бу сессия вилоят тараққиётида ўзига хос янги, тарихий босқич бўлди. Орадан ўтган бир ярим-икки йиллик давр мобайнида вилоятда рўй бераётган ўзгаришларга назар солган киши бунга ишонч ҳосил қилади.

Мустақилликнинг ҳар куни , ой ва йили янги синов ва айни пайтда сарҳисоб даври демакдир. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи сусткашлик, лоқайдлик ва беғамликни асло ёқтирмайди. У биздан иқтисодий ислоҳотлар қўламини кенгайтириш, мулкчиликнинг барча турларини тараққий эттиришни талаб қилади. Сирдарёликлар ана шу талаб асосида, давр суронларидан ортда қолмаслик, эски замонларда тўпланиб қолган қийинчиликларни бартараф этиш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида астойдил иш олиб бормоқдалар.

2

Бу йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Кейинги йилларда вилоят экин майдонларининг мелиоратив ҳолати талаб даражасидан тушиб кетди. «Ўзерлойиҳа» маълумотларига қараганда ерларнинг 45,2 минг гектари ўртача, 28,5 минг гектари кучли шўрланган майдонлар ташкил этади. Вилоят ҳудудида 16270 километр мелиоратив тармоқлар мавжуд бўлиб, уларнинг етарли даражада таъмирланмаганлиги сабабли тўлиқ ишлатиш имконияти бўлмаётир.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини талаб даражасида ушлаб туриш учун ҳар йили 10 минг гектардан ошиқ майдонни капитал текислаш, 700 километр хўжаликлараро, 1400 километр хўжалик ички зовурларини тозалаш, 90 километр ёпиқ-ётиқ зовурларни ювиш ҳамда 520 дан ошиқ тик зовурлар таъмирланиши лозим. Бу ишларни амалга ошириш учун қўшимча 40 та экскаватор, 30 та бульдозер ва ёпиқ-ётиқ зовурларни ювиш учун 24 комплект ПДТ—125 агрегатлари талаб этилади. Айниқса, экскаватор ва ПДТ—125 агрегатларининг етишмаслиги яққол сезилмоқда. Хўжаликлардаги иқтисодий аҳволнинг ночорлиги пудратчи ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб борилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сирдарёликлар аҳвол бундоқ экан деб қараб ўтирадиганлардан эмаслиги бу борада амалга оширилаётган ишларда намоён бўлмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан 1997-2000 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар ишлаб чиқилди. Очиқ зовурларни тозалашга катта эътибор берилиб, ўтган йили 5 та экскаватор, 4 та ПДТ — 125 агрегатлари олиб келинди. 1997-1998 йил кузги-қишги даврда 181, 2 километр хўжаликлараро, 347,2 километр хўжалик ички зовурлари тозаланди. 4988 километр ёпиқ-ётиқ зовурлар ювилди, 130 та тик зовурлар учун насослар таъмирланди. Ҳозир 110-120 та экскаваторларнинг доимий ишлашига эришилмоқда.

«ЛЕЧИВА» – КЕЛАЖАК ТИМСОЛИ

Корхона остонасидан ичкарига қадам қўйишингиз биланоқ ажиб манзарага дуч келасиз. Аниқроғи, ўзингизни гўё Европа мамлакатларидаги корхоналар ичида юргандай сезасиз. Ҳамма жой саранжом-саришта, сокинлик, осойишталик. Одамлар муомаласида ҳам ортиқча сўзамоллик йўқ, айни пайтда ўзгача маданият. У қадар кичик бўлмаган корхонада бизларга илгарилари одат бўлиб қолган бақир-чақир, шовқин-суронлар

у ёқда турсин, ҳатто «тиқ» этган товуш эшитилмайди. Хоналар, иш ўринлари, қўйингки, барча жойда ортиқча ҳашам йўқ. Ҳамманинг қўли-қўлига тегмайди, ўз иши билан овора. Бу Гулистон шаҳрининг 5-мавзеси ҳудудида жойлашган «Лечива – Фармсаноат» – Ўзбекистон – Чехия қўшма корхонасидир.

Унинг барпо этилиши бизлар учун чиндан ҳам ҳайратланарли. Ташландиқ деворлардан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган жойда, атиги уч ой муддат ичида, мазкур чиройли ва замонавий корхона бунёд этилди. Туртинчи ой деганда бу ерда созлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, маҳсулот чиқарила бошланди. Қўшма корхонанинг бунёд этилишига 94 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бу харажатларни «Ўзфармсаноат» давлат акционерлик концерни ҳамда Чехиядаги жаҳонга машҳур «Лечива» акциядорлик жамиятлари ўз зиммаларига олдилар. Ҳамкорлар кўмаги, бевосита ёрдамлари туфайли ҳозирнинг ўзидаёқ ўн икки турдаги табобатимиз учун энг зарур бўлган дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда.

Хўш, қўшма корхонанинг иқтисодий имкониятлари қандай? Абдумалик Норқулов мазкур корхона қурилишининг ташаббускори ва раҳбаридир.

Абдумалик Норқуловнинг таъкидлашича, қўшма корхона фаолият кўрсата бошлаганига эндигина икки ойдан ошмоқда. Шу давр мобайнида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек 12 турдаги, жами 40 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқаришга эришилди. Жаҳон андозалари талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган юрак-қонтомир, асаб, тери касалликларини даволайдиган, оғриқ қолдирувчи дорилар, наркоз, антибиотиклар ҳамда шу каби ҳозирги замон тиббиёти учун зарур бўлган дори-дармонлар биринчи галда вилоят ҳамда республикамиз шифохоналарига жўнатилмоқда. Бу маҳсулотларни хорижга чиқариш йўлида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, йил охирига қадар қўшма корхонанинг тўла қувват билан ишлаши таъминланади. Шунда бу ерда 24 турдаги дори-дармонлар ишлаб чиқарила бошлайди. Чиқарилажак жами маҳсулотлар қиймати эса 5-5,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Келажакда корхона имкониятларини 3-4 баробар ошириш назарда тутилаётир. Ҳозир бу ерда 44 нафар сирдарёлик фармация соҳаси жонкуярлари узлари учун муносиб ўрин топганлар. Демак, келажакда бундай кишилар сони янада кўпаяди, вилоят иқтисоди эса ўзи учун яна бир залворли ва ишончли пойдевор топади.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

Сирдарё вилояти ҳудуди 5100 квадрат километрга тенг. Маркази — Гулистон шаҳри. Вилоят аҳолиси 1991 йилда 587,1 минг кишидан иборат эди. Ҳозир эса 654 минг кишига яқиндир.

* * *

1991 йилда 152 минг 228 гектар ерда пахта етиштирилган эди. Бу йил эса пахта майдони 141 минг гектарни ташкил этди. Шундан 5200 гектар майдонга плёнка остига чигит экилди. Бу ўтган йилгидан 2900 гектарга кўпдир.

* * *

Бу йил деярли 89 минг гектар майдонда ғалла етиштирилмоқда. Вилоятда 1,5 минг гектарга яқин боғлар, 600 гектардан ортиқ токзорлар мавжуд.

* * *

Гўшт етиштириш ўтган йилга нисбатан 26 фоизга, сут етиштириш 6 фоизга ва тухум етиштириш 10 фоизга кўпайди.

* * *

Ўтган йили 8 миллиард 983,7 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу борадаги ўсиш суръати 104,5 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш эса 4 миллиард 295,3 миллион сўмга етказилди.

* * *

1997 йилда 2286 ўринли умумтаълим мактаблари, 1700 ўринли касалхона, поликлиника барпо этилди.

* * *

Миллий даромад 1997 йилда 23,7 миллиард сўмни ташкил этди.

* * *

Давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар сони жами 4747 та бўлиб, шундан 292 таси ҳиссадорлик жамиятлари, 1028 таси хусусий, 173 таси жамоа, 24 та қўшма корхоналар ва 104 та масъулияти чекланган жамиятлар, 963 таси фермер хўжаликларидир.

* * *

Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури бўйича ўтган йилда 170,8 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

* * *

Бугунги кунда вилоятда 331 та ўрта таълим масканлари бўлиб, шулардан олтита гимназия, ўнта лицей ва тўртта коллеж фаолият кўрсатмоқда.

* * *

1990 йилда вилоятда 7 стадион, 123 та спорт зали, 3 та теннис кортлари бўлган бўлса, 1998 йилга келиб стадионлар сони 11 тага, спорт заллар 217 тага, теннис кортлари эса 12 тага кўпайди.

* * *

Соғлиқни сақлаш тизимига 1997 йилда 784,1 миллион сўм ажратилган бўлса, 1998 -- Оила йилида 1099,9 миллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

* * *

Инвестиция дастури бўйича ташқи савдо обороти 1990 йилдан шу давргача 28817,9 минг АҚШ долларини ташкил этган. Четга маҳсулот чиқариш, яъни экспорт имкониятлари ривожланиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 81 миллион 327,2 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

* * *

Ўтган йили аҳолига 11 миллиард 630 миллион сўмлик чакана савдо хизмати кўрсатилди. Пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 828,2 миллион сўмни ташил этди.

ВИЛОЯТ САҲНА ЮЛДУЗЛАРИ

Ўзбекистон халқ артисти Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Адҳам ЮСУФАЛИЕВ, Раҳим ҲАСАНОВ,

«Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик конкурси ғолиблари Асадулла ХОЛИҚОВ, Дилшод КАТТАБЕКОВ,

Эл севган хушовоз хонандалар Нажмиддин ЎРИНОВ, Албина СОН, Алишер УДАЕВ,

Вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри, «Наврўз — 97» халқаро театр фестивали танлови ғолиби Валижон УМАРОВ

Сирдарё бўйида

КОЛЛЕЖ НУФУЗИ ОРТАДИ

дейди Оқолтин гидромелиорация коллежи директори, Россия Халқаро Педагогика Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор Ёвқочди ҲАЙДАРОВ

— Ёвқочди Ҳайдарович, бундан беш йилча муқаддам бўлиб ўтган учрашув чоғида истиқлолимиз шарофати, унинг дастлабки одимлари ҳақида фикр юритган эдингиз. Орадан ўтган ана шу давр мобайнида сиз бош бўлган билим даргоҳида қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Истиқлолимиз етти ёшга тўлмоқда. Бу ҳам ўзига хос бир муҳим босқичлардан, сарҳисоб қилса арзийдиган муддатлардандир. Масалага шу томонидан қарайдиган бўлсак, кўп жойларда бўлаётгани каби бизнинг таълим даргоҳимизда ҳам маълум ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Истиқлол берган саодат туфайли ўқув жараёнлари тўла давлат тилига ўтказилди. Бу ёшларимизнинг ўз она тилларида чуқурроқ билим олиш имконини беради, албатта. Ҳозир эса аста-секин лотин алифбосини жорий этишга киришганмиз.

Яна истиқлол шарофати туфайли илгариги техникум коллежга айланди. Бунга ҳам беш йил бўлмоқда. Ўтиш жараёнини ниҳоясига етказганимиздан сўнг коллеждаги олинаётган маълумот ўз аҳамияти жиҳатидан олий таълим мақомига тенглашиш даражасига кўтарилиши кўзда тутилган. Бу эса коллежимизнинг нуфузини янада оширади деган умиддамиз.

Ўқув-тарбия ишларимизни бозор иқтисоди, иқтисодий ислоҳот талабларига мослаш ва энг аввало вилоятимизнинг мутахассис кадрларга бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда кейинги 2-3 йиллик давр мобайнида бўлимлар, шу жумладан ўқувчилар сонини бир мунча кенгайтирдик. Жумладан, ана шу давр мобайнида коллежимизда молия, мардкетинг ва товаршунослик факультетлари очилди. Уларнинг ҳар бирида 60 нафардан ўқувчи таълим олмоқда. Шундай қилиб, ҳозир 10та асосий бўлимлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Коллежимизнинг кундузги бўлимида 773 нафар, сиртқи бўлимида эса 860 нафар йигит -қизлар таълим олишмоқда.

— Коллежнинг иқтисодий муаммоларини қандай ҳал этмоқдасизлар?

— Биз аллақачон ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлига ўтганмиз. Тумандаги хўжалик ҳамда баъзи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузганмиз. Иккинчидан, ер участкамиз бор. Бу йил 100 гектар ерда пахта, 50 гектар ерда дон етиштираётирмиз. Кўзлаган режаларга эриша олсак, даромадларимиз чакки бўлмайди. Келажакда иқтисодий имкониятларимизни кенгайтириш, ташкилот ҳамда корхоналар, муассасалар билан ҳамкорликларни кенгайтириш ниятидамиз.

— Ёвқочди Ҳайдарович, ташкилий ишлар билан бир қаторда тажрибали педагог ва олим сифатида ижодий ва илмий изланишларга ҳам имкон қолаётирми?

—Ҳеч бўлмаганда бир маротаба илмий изланиш гашти ва лаззатларини чин қалбдан тотиб кўрган, унинг машаққатларига дош берган, завқини ҳам тотиб кўрган одам ижод дунёсини умрбод тарк этиши амри маҳол. Ташкилий ишлар билан ҳар қанча шуғулланмайлик агар илмий ишлар ва изланишлар четда қолиб кетаётган бўлса, одамнинг юраги сиқилиб, ичи ғаш тортаверади. Ҳозирга қадар 10 дан ортиқ турли мавзулардаги илмий асарларни чиқаришга муваффақ бўлдик. Жумладан, бир йилча муқаддам Москвадаги Халқаро Педагогик Академия нашриётида бир йўла икки илмий рисоламни нашр этишди. Улардан бири кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ёзма нутқларини шакллантиришнинг психологик асослари, иккинчиси эса дефектология муаммоларига бағишланган. Ҳозирги кунларда эса коллежимиз олимлари ва аспирантлари билан ҳамкорликда бозор иқтисодиёти луғатини яратиш устида иш олиб бораётирмиз.

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

КУНЛАРДА

Гулистоннинг яшариб, исми-жисмига монанд шаҳарга айланиши истиқлолимиз даврига тўғри келмоқдаки, бу чиндан ҳам кишини қувонтиради. Мана икки йилдирки, шаҳар маркази ва бошқа диққатга сазовор жойлари тубдан қайта қурилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, бугун Гулистоннинг қайси тарафига нигоҳ солманг, янги қурилишларга дуч келасиз.

70 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Гулистон бағрида 70 га яқин катта-кичик турли қурилиш иншоотлари қад ростламоқда. «Ҳалигача бунақаси бўлмаган», дейишади гулистонликлар фархланишиб. Кунларда йиллар мазмуни акс этади, деганлари шу бўлса керакда. Чунки бирор ой, баъзан бирор ҳафта йўққи, шаҳарда у ёки бу иншоотнинг қуриб битказилганлиги ҳақида хушхабар тарқалмаса. Жумладан, яқиндагина шаҳар ҳудудига кираверишда ота-онасиз қолган болалар учун кўп қаватли меҳрибонлик уйи қисқа фурсатларда, сифатли қилиб қуриб берилган эди. Бу бинонинг фойдаланишга топширилиши маросимига пойтахтимиз Тошкентдан меҳмонлар ҳам ташриф буюришди. Куни кеча эса шаҳар марказида Бокс саройи спорт мухлисларига ҳадя этилди. Бу ажойиб кошонанинг очилишига ҳам жаҳонга машҳур боксчимиз Артур Григорьян ўз устози Владимир Шин ҳамда бошқа сафдошлари билан биргаликда ташриф буюрди ва 170 ўринли шаҳар бокс саройига юксак баҳо берди.

Лекин, шаҳар бош меъмори Ашурали Хўжакелдиевнинг таъкидлашича, янада ҳаяжонли онлар ҳали олдинда. Чунки, истиқлолимизнинг 7 йиллиги шарафига кўплаб ажойиб иншоотларда қурилишлар қизғин давом этмоқда. Шулардан бири — лойиҳаси, замонавийлиги билан республикамизда ягона ҳисобланадиган теннис кортидир. Бу ўзига

ЙИЛЛАР

хос йирик спорт мажмуаси бўлади. Чунки, теннис кортида теннис билан биргаликда спортнинг яна 9 тури билан шуғулланиш имконияти пайдо бўлади.

Мустақиллик кўчасида қурилаётган сузиш ҳавзасининг битказилишини ҳам гулистонликлар сабрсизлик билан кутмоқдалар. Жаҳон сузиш спорти талаблари асосида, энг замонавий усулларда, спортчилар, меҳмонлар ҳамда барча шаҳарликлар учун қулай шароитларга эга бўлган бу ажойиб иншоот яқин кунларда қуриб ишга туширилади. Шунингдек, ёшларнинг «дискобари» ҳам шу мажмуа доирасида барпо этилмоқда.

Деярли 2400 метрга чўзилган янги «Ўзбекистон» кўчаси қурилишини ниҳоясига етказиш ҳам истиқлолимиз байрами кунига мўлжалланган. Бу ҳозирча шаҳарда ягона икки ёқлама қатновга эга бўлган йирик ва чиройли йўлдир. Йўлнинг ҳар икки томонида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, чиройли бинолар барпо этилмоқда. Бу йўл битса шаҳар чиндан ҳам гулистон, қўриқ воҳанинг гўзал бўстонларидан бирига айланиши муқаррар.

Шаҳарга Тошкент тарафдан кириб келишдаги яна бир улкан қурилиш кўпчиликнинг диққат эътиборида. Хорижий меҳмонларнинг ўзларига ҳамда уларнинг автомашиналарига юксак талаблар даражасида хизмат кўрсата оладиган маскан — автокемпинг билан биргаликда вилоят улгуржи савдо бозори ҳам қад ростламоқда. Мазкур бозор 6 гектарли майдонга қулоч ёзган. Бозор замонавий меъморчилик ютуқлари асосида бунёд этилаётгани, катта йўл ёқасида, одамларга қулай жойда жойлашганлиги билан янада аҳамиятлидир.

МАЗМУНИ

Йил охирига қадар шаҳарда қурилаётган турар жойларда 400 хонадон уй тўйлари ўтказишади. Гулиситон Давлат дорилфунуни ёнида эса вилоятдаги энг йирик академик лицей биноси қурилади. Шунингдек «Гулистон» ўйингоҳини қайта қуриш ва кенгайтириш борасидаги ишларни ҳам эътиборга олсак, шаҳарликларнинг нафақат иқтисодий ва ижтимоий, балки маданий, маърифий, кўнгилли дам олишлари учун ҳам катта имкониятлар яратилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.





Шу кунларда Гулистоннинг бош дарвозаси олдида, катта ўзбек тракти ёнида жаҳон талабларига мос келадиган кемпинг бунёд этилаётир. Автосервис мажмуига эса меҳмонхона, турли маркадаги автомобилларга хизмат кўрсатувчи тўртта пункт, автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси киради. Замонавий усулда алоҳида меҳр билан бунёд этилган ушбу маскан кўпчиликка манзур бўлиши турган гап.

СУРАТЛАРДА: 1. Гулистоннинг қурилиш майдонларида. 2. Прораб Олимжон Шерқулов.

ГУЛИСТОНГА УЧҚУР ПОЕЗДЛАР КЕЛАДИМИ?

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамияти раҳбарлари эътиборига

Ховос — Тошкент ва Тошкент — Ховос йўналиши бўйлаб қатнайдиган электр поезди икки қўшни вилоят аҳолисининг энг зарур йўл транспорти воситасига айланиб қолган, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, Сирдарё вилояти аҳолиси учун бу йўналиш аҳамияти беқиёс. Сўнгги пайтларда бу йўналишдаги қатновларга эътибор бирмунча яхшиланаётгани қувонарлидир. Жумладан, электр поезди қатнови Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳригача узайтирилди. Илгаригидек шалаги чиқиб, эскириб кетган вагонларни кўрмайсиз. Контролёр, яъни назоратчилар вагоннинг ўзида чипта сотиб келишлари ҳам айни муддао бўлди. Гулистон шаҳри билан Тошкент ўртасида ҳам кунига икки бор электр поезди қатнаб турибди ва хоказо. Буларнинг баридан аҳоли мамнун.

Лекин юқоридагилар билан бир қаторда бизнинг назаримизда баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Эрталаб Ховосдан Тошкентга борадиган ва кечга томон пойтахтимиздан яна Ховосга қайтадиган рейсларнинг йўловчилар учун ниҳоятда аҳамияти катта. Электр поезди Ховосдан Гулистон шаҳрига эрталаб соат 6 дан 16 дақиқа ўтганда етиб келади ва шу шаҳар темир йўл бекатининг ўзидаёқ барча вагонлар йўловчилар билан лиқ тўлади. Шундан кейин то пойтахтимизга қадар бўлган бекатлардан чиққан йўловчилар кўплигидан вагонларда ўтириш у ёқда турсин, ҳатто тик туриш ва охирида хатто нафас олишга имкон қолмайди. Бунинг устига икки бош манзил оралиғидаги 120 километрлик йўлни электр поезди нақд — 3—3,5 соатлик давр мобайнида босиб ўтади. Буларнинг бари йўловчиларни ниҳоятда толиқтиради ва одамни хит қилиб юборади.

Кечқурун Тошкентдан қайтишда ҳам айнан шу аҳвол. Хуллас, агар бир кунда электр поездида Тошкентга бориб келишга мажбур бўлган одам азоб ва толиқишлардан деярли бир ҳафта ўзига кела олмай юради.

Хўш, нима қилиш керак? Бизнингча эрталабки ва кечки рейсларда ҳозирги йўналишларни сақлаб қолган ҳолда бир соатлик ўртадаги фарқ билан Ховос — Тошкент ёки Гулистон — Тошкент ва кечқурун ҳам яна шу тартибда тез юрар электр поездлари қатнови йўлга қўйилса. Ахир жаҳондаги барча катта шаҳарларга яқин бўлган шу каби марказлар ўртасида тезюрар электр поездлари қатнайдику. Тезюрар электр поезди эрталаб Гулистондан соат 7 да жўнаса, узоғи билан бир ярим соат мобайнида пойтахтимизга етиб борса, қандай яхши бўлар эди. Кечки рейс ҳам негадир соат 17 дан 15 дақиқа ўтганда жўнаб кетиши белгиланган. Бу балки тижоратчилар ёки бекор юриб сўнг қайтмоқчи бўлганлар учун қулайдир. Лекин пойтахтимизда бирор мажлисга, хизмат сафарига борган, ёки у ерга қатнаб ишлайдиганлар учун жуда ҳам ноқулай-ку. Ваҳоланки, ташкилотларда иш куни соат 18 гача-ку.

Тошкент автобус бекатидан эса тушдан сўнг умуман Сирдарё вилояти томон борадиган бирор тайинлик автобус топиш қийин. Бунинг устига автобус йўлкира ҳақи анчагина қимматлашиб кетди. Электр поездларининг эса чипта нархлари арзон бўлиши билан бирга қулай ва хавфсизлик томонлари ҳам анчагина устунликларга эга. Шундай экан, аҳоли учун зарур ва фойдали бўлган шундай қатновларни нега йўлга қўйиш мумкин эмас. Яна бир гап. Тезюрар электр поездларининг чипта нархи ҳозиргисидан бироз юқори бўлиши ҳам мумкин ва бу йўловчиларга у қадар малол ҳам келмайди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамияти раҳбарларидан ана шу масала хусусида ўйлаб кўришларини хоҳлар эдик.

«СИРДАРЁТЕЛЕКОМ» УЗОҚНИ КЎЗЛАМОҚДА

«Сирдарётелеком» акциядорлик жамияти бош муҳандиси Соҳиб УМАРОВ ҳикоя қилади:



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вилоятлардаги телекоммуникация тармоқларини янгилаш тўғрисидаги қарори бизларга катта имкониятлар очиб берди. Мазкур қарор асосида биз вилоятимиз электрон алоқа тармоқлари ишини тубдан яхшилаш ҳамда уни замонавий талаблар даражасига кўтариш юзасидан амалий ишларни бошлаб юбордик. Жанубий Корея Республикасининг жаҳонга машҳур бўлган «ДЭУ телеком ЛТД» фирмаси билан ҳамкорлик қилдик. Улар бизларга керакли ускуналарни етказиб бердилар. 150 кун мобайнида ускуналар керакли жойларга ўрнатилди. Шундай қилиб 1996 йилнинг август ойида вилоятимиздаги янги, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган телефон алоқаси тармоқлари иш бошлади.

Хўш, мазкур ҳамкорлик туфайли биз нималарга эришдик ва нималарга эга бўлдик? Вилоятимиздаги мавжуд 5 та шаҳар — Гулистон, Янгиер, Ширин, Сирдарё, Бахтда жами 40 минг рақамга эга бўлган 17та АТС бир тармоққа уланди. Мавжуд 26 минг рақамли телефон нуқталари янгиланиш билан бир қаторда 14 мингта янги, қўшимча телефон рақамлари пайдо бўлди. Ўтган йилга келиб эса мавжуд 8 та туман ҳамда барча йирик телефон АТСлари ҳам мазкур ягона тармоқ билан туташтирилди. Сирдарё туманидаги 16та хўжаликлар телефон АТСлари ҳам мазкур тармоқ билан қўшилди. Натижада вилоятимизнинг исталган шаҳар ва тумани, Сирдарё туманидаги исталган хўжалик, шунингдек Сирдарё ГРЭСи, темир йўл станцияси ҳамда бошқа жойлардан туриб нафақат вилоят ёки республикамиз, балки дунёнинг исталган шаҳарлари билан алоқа боғлаш мумкин. Биз яқинда вилоятимизнинг энг олис ҳудудларидан ҳисобланган Баландчақир қишлоғи телефон станциясини ҳам вилоятимизнинг ягона телефон автомат тармоғига улашга муваффақ бўлдик.

Жанубий Кореянинг «ДЭУ телеком ЛТД» компанияси билан ўзаро ҳамкорлик вилоятимиз аҳолисининг халқаро телефон хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга катта имконият яратмоқда. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўрса бўлади. Янги телефон тармоғи ишга туширилмасдан илгари, яъни 1994 йилдагига нисбатан халқаро телефон хизмати 499 фоизга ошди. Агар 1995 йилнинг биринчи чорагида халқаро телефон тармоғи алоқасидан 6 миллион 471 минг сўм даромад олинган бўлса, бу кўрсаттич ўтган йилнинг биринчи чорагида 20 миллион 758 минг сўмни, мазкур йилнинг ана шу муддатига келиб эса 32 миллион 290 минг сўмни ташкил этди.

Шу ўринда яна бир ибратли мисол. 1995 йилга қадар вилоятимизга ташриф буюришаётган хорижий ишбилармонлар телефон алоқасининг сифатидан кўнгиллари тўлмай, бу ердан кетиб қолишар ёки алоқа воситалари ишини синаб кўришгач, бу ерда иш бошлашдан умидларини узишаётган эдилар. Мазкур янги АТС тармоқлари ишга туширилгач, вазият бутунлай ўзгарди. Ҳозир кўплаб хорижий фирмалар, ишбилармонлар, вилоятимизда ўз офисларини очмоқдалар, қўшма корхоналар ташкил этмоқдалар, янги ҳамкорлик йўлларини изламоқдалар.

ИҚТИДОРЛИЛАР МАСКАНИ

Янгиер лицей-интернатининг энг асосий сифатларидан бири — машҳурлиги. Албатта, ҳаётда ҳеч нарса бирданига, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Шу жумладан машҳурлик ҳам.

Бу даргоҳ дастлаб оддий интернат сифатида ташкил топган бўлиб, унда атиги 50 ўрин бор эди, холос. Республикамиз ўз истиқлолига эришгач, унинг шафоати қўриқдаги шу кичик таълим даргоҳига ҳам етиб келди. У Гулистон Давлат университети қошидаги лицей-интернатга айлантирилди. Шу йилдан бошлаб мазкур университет ўқитувчиси Саме Саматов унга раҳбарлик қила бошлади.

Бундан беш йил муқаддам, яъни 1992 йилда таълим даргоҳининг дастлабки битирувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйдилар ва уларнинг 93 фоизи талабалик мартабасига эришди. Бу биринчи жиддий имтиҳон ва айни пайтда аҳил ва ёш жамоанинг дастлабки катта ғалабаси ҳам эди. Шу-шу лицей тилга тушди, қўриқ воҳадаги кўплаб ўқувчи ёшлар, ота-оналар қалбларидан илиқ ўрин олди. Орадан ўтган кейинги йилларда лицей жамоаси ўзининг муҳим сифати ва кўрсаткичини оширса оширдики, аммо ортга чекинираётгани йўқ. Ўтган ана шу йиллар уни бутун республикага танитди. Оқибатда у ўтган йилдан бошлаб республика аҳамиятига молик лицейга айлантирилди. Яна бир қувонарли воқеа: қабул қилинган халқ таълими тўғрисидаги қонунга биноан мазкур билим даргоҳи академик-лицей мақомини олди.

— Ўтган йилги натижалар қандай бўлди? — сўраймиз лицей-интернат раҳбаридан. Чунки сезиб турибмиз: у киши, бутун жамоа учун бундан ҳам кўра ёқимлироқ савол йўқ. Саме Саматович бунга жавобан бир рўйхатни узатдилар.

Рўйхатни аста варақлар эканмиз, бир нарса эътиборимизни ғортди. Саҳифалардаги бир гуруҳда 12 кишининг номи ёзилган бўлса, ўнтаси тўғрисига «кирди» белгиси қўйилган, 14 кишилик гуруҳнинг 12 тасида шундай белги турибди ва ҳоказо... Рости, рўйхат саҳифаларини ҳайрат ва ҳаяжонсиз варақлаш қийин.

Якуний маълумотларга кўра, манзара қуйидагича бўлди. Вилоятимизда Гулистон давлат университетига мазкур лицейдан жами 32 киши ҳужжат топширган бўлса, шулардан 28 нафари талаба бўлди. Лицей-интернат ўқувчиларининг асосий қисми республикамизнинг энг нуфузли олий таълим даргоҳларига ошиқдилар. Жумладан, ўтган йили 7 киши Тошкент юридик институтига киришга муваффақ бўлди. Лицей ўқувчилари ТошДУ, жаҳон тиллари университети, Тошкент иқтисодиёт университети, техник ва аграр университетлар, Тошкент молия институти сингари нуфузли даргоҳларнинг имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишиб, қалбларидаги эзгу-истакларини рўёбга чиқаришга муяссар бўлдилар. Ана шундай иқтидорли ёшларни тарбиялаб етиштираётган ўқув даргоҳи раҳбарининг бугунги ғурури ва кайфиятини тушуниш мумкиндир...

— Бир-икки нафар ўқишга киролмай қолган ўқувчиларимиз ҳам келаси йили албатта кирадилар. Ўғлим, икки жияним шундай бўлишган. Бизларда охирги қабулда доимо 95-98 фоизгача ўқишга кирадилар, — қўшиб қўйди директор.

Лицей — иқтидорли ўқувчиларни излайди. Президентимиз ва давлатимизнинг бу каби жамоалар олдига қўяётган талаблари ана шундай. Бироқ домланинг фикрича, иқтидорли ёшларни бир жойга тўплаб олиш билан ҳамма нарса ўз ечимини топмайди. Ўтган даврлар шуни кўрсатдики, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг ўзига хос оғир ва енгил томонлари бор. Лицейнинг педагогик жамоаси ана шу вазифани астойдил уддалаб келаётгани таҳсинга лойиқдир. Ўқитувчи-педагоглар жамоасининг 80 фоизини турли илмий даражага эга бўлган малакали кадрлар ташкил этади. Математика ўқитувчиси Ҳусанбой Норжигитов лицейнинг фахри, ўқувчиларнинг энг суйган устозларидан бири. Адабиётшунос олимлардан Умирзоқ Ўлжабоев, Ваҳоб Раҳмонов, тилчи олим, профессор Босим Тўйчибоев, физик Ғани Раҳмоновлар ҳозирги кунларда докторлик илмий даражасига эга бўлиш арафасида турибдилар. Яқинда эса лицей ўқитувчилари сафига фан доктори, профессор Акрам Каттабеков ҳам қўшилди. Хуллас, устозлар, тарбиячилар сафи йил сайин кенгайиб, нуфузи ошиб бормоқда.

Қўш саҳифа материалларини Абдужалил УМАРОВ, Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ тайёрлашди. Суратларни Шавкат АКРАМОВ олган.

Навбат НАМАНГАН вилоятига.

Вилоят марказидаги янги бокс саройи.

ВИЛОЯТ СПОРТ ЮЛДУЗЛАРИ

Таэквандо бўйича жаҳон чемпиони Владислав НАМ,

Велоспорт бўйича жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Охун ТЎЙЧИЕВ,

Енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати кумуш медали совриндори, Атлантада ўтказилган Олимпиада ўйинлари қатнашчиси Анвар КЎЧМУРОДОВ,

Академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионлари В.ЧЕКМЕНОВ, К. НИ,

Велоспорт бўйича Ўзбекистон чемпионлари А. ТЎЙЧИЕВ, Ю. ПИНЮХИН, Д. ИРАТОВ.

ЭНГ ЁШ ЧЕМПИОН

Владислав Нам бундай номга сазовор бўлганида 18 ёшда эди. Дастлаб 1995 йилда Польшада, бир йилдан сўнг эса Чехияда ўтказилган таэквандо бўйича ўсмирлар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқиб, битта олтин ва битта бронза медалини қўлга киритди.

Ва ниҳоят 1997 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўказилган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. В.Намни ўша йили яна бир ғалаба кутиб турган эди. Уни Японияда ўтказиладиган жаҳон профессионаллари ўртасидаги халқаро турнирга таклиф этишди. Бу сафар ҳам Намга омад кулиб боқди. У 63 кг. вазнлилар билан беллашиб, иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шу билан биргаликда у жаҳон профессионаллари ўртасида энг ёш чемпион деб топилди. Ўшанда жаҳоннинг турли тилда чиқадиган нуфузли газета ва журналларида у ҳақда ёзиб, суратлари босилди.

В.Нам ҳозир шу йилнинг октябрида Деҳли шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда. У 71 кг. вазнда курашмоқчи. Нам Шарқ якка кураши — таэквандодан ташқари «муай-тоя» ва «кикбоксинг» турлари бўйича ҳам кураш туша олади. У айни пайтда Гулистон Давлат университетининг физкультура факультетининг 1 курс талабаси.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 7 may, payshanba № 54 (22.291).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

КИЧИК ТЎП ОШУФТАЛАРИ

Бугун Тошкентда теннис бўйича анъанавий республика «Ҳавас» мусобақаси бошланади

ҚАЙРОҚИ ҚАЙДЛАР

Мактабимизда шундай калом ўқигандим: «Доноларсўзига қулоқ солмасанг, энг нодон сендирсан, билгил билмасанг». Тинглаш қобилияти камроқ кимсаларга дуч келганимда ўша калом қайта-қайта ёдга тушаверади...

* * *

Тул аёлнинг «ҳимоячи»си кўп бўлгани каби истеъдодсиз одамнинг «таниш-билиш»лари, казо-казолардан «суячиқ»лари жуда кўп-а...

* * *

Ижодий жамоадаги истеъдодсиз, билимсиз одамни гуруч орасидаги курмакка ўхшатиш камлик қилади. Курмакни осонгина олиб ташлаш мумкин, аммо...

* * *

Адабиётдан йироқ кимсалар ҳаётда жуда кўп нарсани бой бераётганларини наҳот тушунмасалар?... Масалан, Гоголнинг «Ревизор»ини ўқимаган ё мазмунини уқмаган баъзи раҳбарлар қандайдир «тафтишчи» ёки «ҳаваскор мухбир» келаётганини эшитибоқ шу қадар типирчилаб қолишадики, аслида ўша асар қаҳрамонларидан ҳам ўтиб кетадилар-а...

* * *

Билмаслик гуноҳ эмас, билмаган нарсасини валдирайвериш ёмон. Қандайдир нотўғри гапини «тўғри!» деб талашиб-тортишиш (уни, баҳс, деб бўлмайди!) ундан ҳам баттарроқдир.

* * *

Оқил, доно киши ўзини асрай билиши ҳам зарур экан. Нодонларни асраб-авайлайдиганлар керагидан зиёдроқ...

* * *

Шифокор хатоликка йўл қўйгани ҳамоно уни тергайдиган, керак бўлса, жазолайдиганлар пайдо бўлишади. Газеталарда қанчадан-қанча имловий хатолар чиқмасин, деярли ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Ахир, шифокор хатосидан бир киши жабр кўрса, журналистнинг хатосидан миллионлаб муштарийлар маънан мажруҳ бўлиши мумкинлиги ҳақида наҳот ўйламаймиз?...

* * *

Тиниш белгиларини билмаслик ҳам чаласаводлик. Неча ўн йиллардан бери таҳририятда ишлаб, тире (—) билан дефис (-)нинг фарқига бормаган журналистдан нимани кутиш мумкин? Сўз бирикмалари ҳақида тушунчаси бўлмаган «ижодкор» қалам тебратишдан бурун тортинмасдан мактабга бориб, қайтадан «қаламини қайраб» олгани маъқулмикин?...

Тўлқин ЭШБЕК

БАҲОР

Яшилланар ўнгирлар баҳри,
Кўз ёради ним яшил куртак,
Майин эсган ҳур шаббодалар
Баҳорлардан сўзлайди эртак.

Тупроқларнинг баҳрин қоқ ёриб,
Кўз очади бойчечак дуркун,
Қувончданми бошн устидан
Ҳовуч-ҳовуч нур тўкади кун.

Шундоқ адир ортидан бехос
Эшитилар турналар саси.
Денгиз каби тўлқинланади
Юракларда кўклам нафаси.

Боғда тутиб феруза кўкни
Чайқалади қояда лола.
Лола эмас, гўзалликнинг у
Майи тўла лим-лим пиёла.

Бу дунёнинг мўъжизасидек
Бинафшалар кўз очгани он.
Ойбарчинни кўксига жойлаб
Алпомишга айланар ўғлон.

Оппоқ ўрик нюхига боқиб
Йигитларнинг кўксида ғулу,
Гўё ўрик гуллари ичра
Жилмаяди гўзал бир сулув.

Кенгликларни ифорга ўраб
Кўз ёради қайдадир ялпиз.
Гупиради қиз димоғида
Хушбўйлардан хушбўй бўлган ис.

Ширин тушлар кўрган қиз каби
Жилмаяди далалар, боғлар.
Юракларга нурдек эпилиб,
Кириб келар яқин-йироқлар.

Еллар эсар аслдан асл,
Очилади боғларда чечак.
Қопларига ўсмалар тортиб
Нозланади дилбар келинчак.

Оппоқ гулга бурканиб боғлар
Таратаркан ўзгача фусун.
Чолларнинг ҳам,
кампирларнинг ҳам,
Юрагида гул очар ҳуси.

О, баҳорим токи сеп борсан
Ғофил дилни тарк этар уйқу.
Дилдан-дилга жимирлаб ўтар
Гул сувидек тип-тиниқ туйғу.

Барот ЯРАШ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Юртимизда теннис, соддароқ қилиб айтганда кичик тўп ихлосмандлари шунчалик кўпайиб бормоқдаки, майдонга тушган кексаю ёш ундан фақат кайфият ҳосил этмоқда. Гап шундаки, биз шу пайтгача раҳбар ёки раис деганда тўладан келган, қориндор, гоҳида мўйловдор, дўппини чаккасига қўндириб олган киши ҳақида ўйлашга одатланиб қолган эдик. Замонлар ўзгарди. Мустақиллик шарофати билан раҳбар ва мансабдор кишиларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан қиёфалари рисолага келмоқда. «Ҳавас» теннис мусобақасининг ўтказилаётгани бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай бахснинг ўтказилишидан мақсад, албатта совринли ўринлардан бирини эгаллаш эмас. Балки, майдонга тушган хоҳ ҳоким, хоҳ вазир бўлсин ундан жисмоний ва руҳий имкониятлардан қанчалик фойдалана билиши тақозо этилади. Ўзига хос спорт байрами муносабати билан баҳс иштирокчилари ва ташкилотчилардан айримларини суҳбатга тортдик.

МАРҲАБО, АЗИЗЛАР!

Козим ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳар ҳокими

— Сирасини айтганда, «Ҳавас»ни орзиқиб кутиш одатга айланди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган хайрли тадбир тобора қулоч ёзмоқда. Бу бежиз эмас. Боиси, ўзига хос баҳс баҳонасида ўнлаб раҳбар ва ҳокимлар кичик тўпни қўлга олиб, теннис майдонларига боришни канда қилмай қўйдилар. Ҳаракат — ҳаёт деганларидай, тўп билан муомалада бўлганинг сайин эркин нафас олаётганинг, ҳаракатларинг жўнлашиб бораётганини сезиб борарканса. Маълумки, спортнинг теннис турига бўлган эътибор туфайли пойтахтимизда ҳам бир қанча кошоналар бунёдга келдики, бу ерларда халқаро андозаларга мос мусобақаларни бемалол ўтказса бўлади. Бу йилги мусобақага пухта ҳозирлик кўришга ҳаракат қилдик. Қизиғи шундаки, спортга кийиниб, майдонга тушгач лавозиму мансаблар унутилиб, маҳорату тажриба ҳақида кўпроқ ўйлаб қоласан. Албатта, омади чопган совринли ўринни олиши табиий. Зеро, мезбон сифатида мусобақа иштирокчиларига қулай шароит яратиш, жойлаштириш, ҳизмат кўрсатиш каби юмушларни рисоладагидек бўлиши учун саъй-ҳаракат қиляпмиз. «Динамо» теннис ўйингоҳи яна ҳавасчилар иҳтиёрида бўлади. Ўйлайманки, мусобақа қатнашчилари бу сафар ҳам ажойиб таассуротлар билан қайтадилар.

БАЙРАМГА АЙЛАНАДИ

Генрих ДАШЕВСКИЙ,
«Динамо» теннис клуби президенти

— Пойтахтимизда бир қанча теннис ўйингоҳлари бўлишига қарамай, айнан «Динамо» мажмуини танланиши менда мамнуният ва айни пайтда масъулият туйғуларини жўш урдиради. Ўйингоҳимиз айни баҳорий яшилликка бурканиб, кўркамлашган пайт. «Ҳавас» турнирининг учинчи марта ўтказилаётгани бу борада анчайин тажриба тўпланганидан нишонадир. Энди раҳбар ходимларни майдонга тушириш, маҳорат бобида синовдан ўтказиш каби юмушларнинг осонроқ ечимини топмоқдамиз. Бу гал, мусобақа иштирокчиларининг юз нафарга яқин бўлиши кутиляпти. Низомга кўра саралаш баҳсларини ўтказиш, яна ютқазган ўйиндан чиқади қоидасига риоя қилиш, қуръа ташлаш каби тадбирлар амалга оширилади. Ҳавасчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини зимдан кузатиш учун алоҳида ҳакамлар тайинланган. Бундай мусобақанинг хосиятли томони шундаки, раҳбарларнинг теннис ўйнаш бобида ибрат кўрсатишлари юртимизда спортнинг бундай севимли турини янада оммавийлашишига хизмат қилади, деган ниятдаман.

БЎШ КЕЛМАЙМИЗ

Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
республика ижтимоий таъминот вазири

— Анъанавий мусобақада мен ҳам учинчи марта иштирок этишга шайланиб турибман. Бундай анъанавий баҳснинг хосиятию моҳияти ҳақида кўп айтилди ва ёзилди. Бир сўз билан айтганда, теннис маданият тимсоли. У ёгини сўрасангиз, ривожланган мамлакатларда каттаю кичикнинг теннисга ошуфта экани ҳам шундан. Майдонда теннис ўйнаган кишининг манман деган спортчига хос мураккаб ҳаракатларини адо этаётганини кичик тўпни қўлига тутган кишигина ҳис этиши мумкин. Ростини айтганда, дастлабки ва ундан кейинги баҳсларда бироз омадим юришмади. Ҳозир машқларга зўр бериб, теннис ўйнаш ҳадисини олгандайман. Бу сафар жуфтлик баҳсларида иштирок этиб, бўш келмасликка ҳаракат қиламан. Чунончи, шеригим Андижон вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Қудратилла Ибодуллаев билан ҳамкорликни ўрнига қўйиб, мусобақа талабларини бажариш ҳақида ўйлаяпман. Муҳими, теннис байрами бетакрор воқеаларга бой бўлиши табиий.

Ҳайдар НОСИРОВ тайёрлади

ИЛМ ЧИРОҒИ

Орамиздаги одамлар

1938 йилнинг 19 майи. Денов туманидаги Чуқур қишлоғида яшайдиган оддий деҳқон Йўлдош аканинг оиласига янги меҳмон қўшилди. Аммо улар ушбу кун осмон буржларида қандай ўзгаришлар бўлганлигидан бехабар эдилар, албатта. Балки юлдузларнинг шу кунги ҳолати Мовароуннаҳрни оламга машҳур қилган алломалар туғилган пайтдагига монандроқ бўлгандир. Яна, қайдам. Ҳар ҳолда бугун, қўлимга қалам олишдан олдин тўплаган маълумотларим мени шундай хулосага етакламоқда. Эҳтимол чақалоққа Назар дея исм қўйилгани ҳам бежиз эмасдир...

Орадан йиллар ўтди. Бу исмнинг (балки ўша куннингдир) хосияти эса Назар бурро-бурро гапира бошлаганида, тенгқурларини ҳайратга соладиган фикрлар билдирганида, мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, шу йили математикадан дарс ҳам берганида, Самарқанд Давлат университетининг физика бўлимига ўқишга кирганида-ю, уни зўр иштиёқ билан битирганидаёқ маълум бўла бошлаган эди. Айниқса, иқтидорнинг қадрига иқтидор етади, деганларидек, машҳур олим, академик У. Орипов талабасидаги иқтидорни яхши англади. Уни илмий ходимликка таклиф этди. Орадан уч йил ўтиб, 1964 йилда Назар Тўраев Ўзбекистон Фанлар академиясининг аспиранти бўлди. 1968 йилдан Электроника институти илмий котиби, 1972 йилдан лаборатория мудири, 1977 йилдан Тошкент Политехника институтида кафедра мудири бўлиб ишлаб обрў ва ҳурмат орттирган Назар Йўлдошевич 1983 йилда шахсан Шароф Рашидов тавсияси билан Термизга, ҳозирги Давлат университетига ректор этиб йўлланди. Бу орада тинимсиз илмий изланиш билан шуғулланиб келган олим 1968 йилда номзодлик, 1980 йилда Киев шаҳрида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Бу жудаям қисқа вақт олим учун қанчалик машаққатли меҳнатни, илм учун эса қанчалик катта кашфиётларни ўз ичига олганлигини билсангиз эди. Балки ушбу мақолани ўқиб уни бирмунча англагандай ҳам бўларсиз. Бироқ олимнинг қадрига, унинг илмий изланишлари-ю, ихтиролари қадрига илм оламида аллақачон етишмоқда. Физика соҳасида олимни яхши танишади. У яратган назариялардан бири жаҳон илмий адабиётида «ТЎРАЕВНИНГ АТОМ ҚАТОРИ ЭФФЕКТИ» деб аталиши, МДУ, МФИИ, Курчатов институти, Киев физика институти, М. Планк номли Мюнхен плазма институти, Донецк, Краков, Гронинген университетлари каби юзлаб фан марказлари олим билан доимий ҳамкорлик қилишиёқ бунинг исботи.

Олим ва унинг шогирдлари томонидан эришилган илмий натижалар маҳсули ўлароқ 1993 йилда юзага келган (664 бет) «ҚАТТИҚ ЖИСМЛАР СИРТИДА АТОМЛАРНИНГ СОЧИЛИШИ» номли монография бир вақтда Голландия, Лондон, Токио, Нью-Йорк, Амстердамдаги нашриётлар орқали инглиз тилида босилиб чиқди. Шунингдек, Л. Добренов ва М. Гомоюнова, Г. Картер ва Ж. Коллигон каби жаҳоннинг кўплаб таниқли олимлари монографияларида олимнинг илмий ишлари катта илмий ютуқ сифатида қайд этилди.

1980 йилдан бошлаб эса «Тўраев семинари» кенг миқёсда ташкил топиб, унинг муҳокамаларида Польша, Франция, Болгария, Германия, Голландия давлатларининг олимлари ҳам ўз маърузалари билан фаол қатнашиб келишган.

Олимнинг бу ишлари моҳиятини англаб етиш учун, албатта, соҳа билан яхши таниш бўлиш керак. Шу маънода ўқувчиларга ҳис қилиш осонроқ бўлган тадқиқотларни ҳам эслатиб ўтишни жоиз деб биламан: олим пахта ҳосилдорлигини ошириш ва унинг тезроқ пишиб етилишига лазер нурларининг таъсирини ўрганган. Унинг натижаларидан республикамизнинг кўплаб хўжаликларида самарали фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, Сурхондарё халқ хўжалигига катта зарар етказаётган Тожикистон алюминий заводи чиқиндиси ҳамда табиий «афғон» шамоли зарарларини аниқлашдаги олим ва унинг шогирдлари хизмати беқиёс.

Дарвоқе, шогирдлар ҳақида. Назар Тўраев ўзининг шунчалик бандлигига қарамай уч нафар фан доктори ва ўн икки нафар фан номзодларига бевосита раҳбарлик қилди.

Раҳбар сифатида ҳам Назар акани бугун ҳамма бирдек ҳурмат билан тилга олади. Термиз Давлат университетининг ташкил этилиши, унда ўнлаб янги мутахассисликлар, 30 дан ортиқ янги кафедралар, 10 та янги факультетларнинг очилиши тўғридан-тўғри ТЎРАЕВ номи билан боғлиқ. Университетнинг янги ўқув биноси, ўқитувчи ва ходимлар учун 36 квартирали уй, талабалар учун 400 ўринли санаторий-прафилакторий, спорт ва соғломлаштириш мажмуи ана шу раҳбарнинг ташаббуси билан бунёд бўлганини университет ўқитувчи-талабалари жуда яхши биладилар. Шу йиллар университетда 30 нафарга яқин фан докторлари, профессорлар, 130 дан зиёд фан номзодлари етишиб чиқди.

Ушбу маълумотларни ўқиб сизнинг хаёлингиздан нималар кечди билмадиму, уларни ёзаётиб мен негадир Термизийларни эсладим. Ҳа, дунёга машҳур боболаримиз: Али Ҳаким ат-Термизий, имом Абу Исо ат-Термизий, Абу Бакр Варрақ Термизий, Муҳаммад Савр Термизий, Юсуф Ҳайёт Термизий, Жавҳарий Заргар Термизий, Муҳаммад ибн Аҳмад Термизий, Исмоил Собир Термизий, хожа Самандар Термизий-

ларни. Ва, назаримда, Назар ака уларнинг ҳақиқий издошлари, бу боболар руҳини шод қилаётган қобил фарзанд бўлиб гавдаланди.

1990—95 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, Халқаро информатизация академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор, 3 та ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси, уч нафар ўғил ва уч нафар қизнинг меҳрибон отаси, Розия опанинг севимли турмуш ўртоғи Назар Йўлдошевич ТЎРАЕВ бугун қутлуғ 60 ёшни қаршиламоқда. Шу муносабат билан Назар акани табриклар эканмиз, барча билим аҳлини, бутун Ўзбекистон халқини у кишидек Ватанни севишга, фидойи бўлишга даъват этгинг келади.

Мансур ОЛТИНОВ,
Термиз Давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор

ЛАТИФАЛАР

ЁҚАВАЙРОНЛИК

Русумлар журналини томоша қилаётган аёл эрига деди:

— Буни қара-я, бу йил ёқавайрон, тугмасиз кўйлак русум бўларкан.

— Шунга шунчами? — деди беписандлик билан эр. — Демак, мен 20 йилдан буён русумдаги кўйлакни киярканман-да!

СЕНДАН СЎРАМАЯПМАН-КУ?

Эр хотинига зўр бериб, керилиб мақтанарди:

— Бир жуфт автомобиль шинасини ярим баҳосига сотиб олдим, сув текин-а?

— Ҳеч тушунмайман, нимасига оғзинг қулоғингда, ахир машинанг йўққу?- деди хотини энсаси қотиб. —Менга қара, ахир сендан нимага соч бўёқ сотиб оласан, деб сўрамайман-ку.

АЗИЗИМГА СОВҒА

— Жонгинам, туғилган кунингга шундай қимматбаҳо совға олиб қўйдимки, — деди хотин шодлигидан чапак чалиб.

— Овора бўпсан, азизим, майли, кўрсата қол, — эр эриб кетди.

— Бир дақиқа сабр қил, ҳозироқ кийиб чиқаман, — ётоқхонага югурди хотин.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Собир Раҳимов туманидаги «Антиқа Бола» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида. А—2 форматида.28061 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА